

**“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан

2016 йил “25” июль

69-1 -сон



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Раисининг биринчи ўринбосари

 С.С. Ходжаев

**“КАПИТАЛБАНК”**  
**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ**  
**БАНКИНИНГ**  
**УСТАВИ**  
(янги тахрири)га  
**ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

“Капиталбанк” акциядорлик  
тижорат банки Акциядорларининг  
2016 йил 30 июндаги  
умумий йиғилиши томонидан  
(3/2016-сонли баённома)

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

Банк кенгаши раиси



 Ф.Х. Отахонов

2016 йил “11” июль

**“КАПИТАЛБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**  
**УСТАВИ (янги таҳрири)га**  
**ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**  
**М А Т Н И**

*(“Капиталбанк” АТБ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 2016 йил 30 июнда  
(3/2016-сонли баённома) тасдиқланган)*

**“Капиталбанк” АТБ Корпоратив бошқарув кодекси, шунингдек банк бошқарув органлари фаолиятини тартибга солувчи бир қанча локал ҳужжатлар қабул қилинганлиги сабабли “Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки Уставига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:**

**1.1. 24-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“Банкнинг устав капиталини кўпайтириш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва мазкур Уставда белгиланган тартибда амалга оширилади”.

**1.2. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Банкнинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтиришга йўл қўйилмайди”.

**1.3. 30-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“Банк барча солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан захиралар ва фондларни ташкил қилиш. Хусусан, банк капитали захираси таркибида қонун ҳужжатларига мувофиқ “стандарт” деб таснифланувчи активларни сўндирилмаган асосий қарз суммасидан 1 (бир) фоиз миқдоридан захира яратади”.

**1.4. 31-банд қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:**

“тенглик” тамойилига риоя қилиш, яъни барча акциядорларга уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирки, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил муносабатда бўлишдир.

**1.5. 33.1-кичик банд қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:**

“Йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлар келишуви тузиш;

акциядорлар ва инвесторларга зарур бўлган муайян (тижорат ва банк сири бўлган махфий ахборотлардан ташқари) ахборотларни талаб қилиш”.

**1.6. 33.1-банднинг ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилари тегишли равишда ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошилари деб ҳисоблансин.**

**1.7. 33-банд қуйидаги мазмундаги 33.2-кичик банд билан тўлдирилсин:**

“Бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар, Банк кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан кўрсатиш юзасидан таклифлар киритишга ҳақли.

Банк акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача банк акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоиздан камроғига эгалик

қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, банкнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт”.

**1.8. 43-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“Банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, ишлаб чиқариш микрофирмаларига, кичик корхоналарга, деҳқон ва фермер хўжаликларига юқори технологияли ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар ва микрокредитлар ажратиш учун Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармасини шакллантиради. Имтиёзли кредитлаш жамғармасига ажратмалар миқдори ҳар чоракда Банк кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда банкнинг молиявий фаолияти кўрсаткичларидан келиб чиқиб белгиланади ва кейинчалик Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритилади”.

**1.9. 44-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:**

“Банк фаолиятини самарали ташкил этиш ва устав капиталига хорижий инвесторларни жалб этиш, банкни бошқарув органлари, меҳнат жамоаси вакиллари ўртасида ўзаро муносабатлар тизимини таъминлаш Корпоратив бошқарув кодекси ва банкнинг бошқа локал ҳужжатлари асосида амалга оширилади”.

**1.10. 51-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин “Openinfo.uz” корпоратив ахборотлар ягона порталида, банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади”.

**1.11. 62-банднинг ўн олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“Миноритар акциядорлар қўмитаси банкнинг хўжалик фаолиятига аралаштишга, миноритар акциядорлар эса ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилишга ва махфий ахборотлар, тижорат ва банк сирларини қўллаш йўли билан банк бошқаруви органи фаолиятига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас”.

**1.12. 64.3-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“Акциядорлар умумий йиғилиш кун тартибинини тайёрлаш, шу жумладан, Банк кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотларни тақдим этиш”.

**1.13. 64-банд қуйидаги мазмундаги 64.28-кичик банд билан тўлдирилсин:**

“Қонун ҳужжатларига мувофиқ илгари “стандарт” деб таснифланган, активлар бўйича яратилган захира суммасини камайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилиш”.

**1.14. 64-банднинг 64.28-кичик банди тегишли равишда 64.29-кичик банд деб ҳисоблансин.**

**1.15. 70-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“Банк кенгашининг мажлиси Банк кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар, Банк кенгаши, Банк тафтиш комиссияси, Банк бошқаруви аъзолари, ички

аудит хизмати раҳбари, банкнинг ташқи аудити, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади”.

**1.16. 78.4-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“битимлар тузиш ҳақидаги қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари қийматининг 5 дан 15 фоизгача ташкил қиладиган қийматга эга бўлган, мол-мулкни олиши ёки тасарруфидан чиқариши, шунингдек банк томонидан баланс қийматидан қатъи назар кўчмас мол-мулк ва автотранспорт воситаларини олиши ёки тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ бўлган битимлар бўйича қарор қабул қилади”.

**1.17. 84-банд қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:**

“битимлар тузиш ҳақидаги қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари қийматининг 5 фоизгача ташкил қиладиган қийматга эга бўлган, мол-мулкни олиши ёки тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ битимлар тузади, бундан банк томонидан баланс қийматидан қатъи назар кўчмас мол-мулк ва автотранспорт воситаларини олиши ёки тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ бўлган битимлар мустасно”.

1.18. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб кучга киради.